



Ислom Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ёсин: 65).

«Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?»— дейишганида, (терилари): «Бизларни барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди, дедилар. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар»» (Фуссилат: 21).

Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз, ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ёсин: 65).
«Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?»— дейишганида, (терилари): «Бизларни барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди, дедилар. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар»» (Фуссилат: 21).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, у зот кулдилар, сўнг: «Нега кулганимни биласизларми?», деб сўрадилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деб жавоб бердик. Шунда дедилар: «Банданинг Робби билан сўзлашувидан (кулдим). У: «Эй Роббим, менга зулмдан паноҳ бермаганмисан, ахир?!», дейди. (Робби) айтади: «Ҳа,



Ислом Нури

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло мўминни яқин келтириб, унинг устига пардасини ташлайди ва (бошқалар кўзидан) яширади, сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдиради: «Фалон-фалон гуноҳни эътироф этасанми?» У: «Ҳа, эътироф этаман эй Раббим», дейди. Барча гуноҳларига иқрор қилдиргач ва банда ўзича энди албатта тамом бўлдим деб ўйлагач, шунда: «Сен учун дунёда буларни яширган эдим, энди бугун эса уларни мағфират этаман», дейди. Сўнг унга яхши амалларининг саҳифаси берилади. Аммо кофир ва мунофиқлар (ҳақида) барча гувоҳлар: **«Мана шулар Парвардигорлари шаънига ёлғон сўзларни сўзлаганлар», дейдилар»** (Худ: 18) (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат куни Аллоҳ таоло адолат ва фазлу марҳамат билан ҳисоб қилади. У Зот кофир ва жиноятчиларга Ўз адолати билан ҳукм қилиб, уларни қилган қилмишларига яраша жазолайди, уларга ўз аъзоларини гувоҳ қилиб, бирон баҳонага ўрин қолдирмасдан шармандаларини чиқаради. Мўмин-мусулмон бандаларини эса Ўз фазлу марҳамати билан гуноҳларини яширади ва мағфират қилади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қиёмат куни кофирнинг аъзойи бадани унинг қилиб ўтган амаллари ҳақида ўзига қарши гувоҳлик беради;
2. Мўминларга ҳисоб осонлаштирилади;
3. Аллоҳ таоло мўминларнинг гуноҳларини яшириб, мағфират қилади, кофир ва мунофиқларни эса шармандаю шармисор қилади.